O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLIS PALATASI INV.№

Қонун – ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган	2000 йил 26 декабр, сешанба	№ 52(204)	Сотувда эркин нархда



Ёғиб тургай нур

Лаҳза

Ҳайит кунларида жанглар ҳам тўхтаб,
Қиличлар қинига қайтиб киргувси.
Мўминлар эгизак жонларга ўхшаб,
Ўзгага боққан чоқ ўзни кўргувси.

Умидвор ҳар кимса топиб кушойиш,
Қоронғу дилларга ёғиб тургай нур.
Уйқуда фароғат, юртда осойиш,
Дуолар ижобат, ниятлар манзур.

Адоват, ҳасадни касб этган инсон,
Майли шоҳ ё гадо, ё сайид бўлсин.
Илоё, барига бахш этсин иймон,
Ўтар ҳар лаҳзаси бир ҳайит бўлсин.

Абдулла ОРИПОВ



ТОҒДАЙ СУЯНЧ БЎЛИНГ

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг "Умматларимнинг яхшиси — аёлига яхши муомала қиладиганлари" деган муборак сўзлари бугунги кунда ҳам кўп тилга олинаётгани бежиз эмас. Зеро, аёл жамиятнинг етакчи устунларидан. Оилада болалар тарбияси, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлашда аёлнинг ўрни беқиёс. Президентимизнинг XXI асрнинг биринчи йилини мамлакатимизда "Оналар ва болалар йили" дея эътироф этишларида жуда теран мазмун, моҳият бор. "Аёлларни севинг ва иззат қилинг; улардан фақат юпанч эмас, балки илҳомингизга куч, маънавий ва ақлий қобилиятларингизни икки баравар оширувчи қудрат ахтаринг", деган эди буюклардан бири Ж.Мадзини. Ҳа, аёлни оилани нурафшон этиб турувчи бир машъалага қиёслаш мумкин. Шу билан бирга аёл болаларга чексиз меҳр улашиб, уларнинг қалбларида ҳаётга, яшашга муҳаббат пайдо қилади. Аёлнинг бардоши тоғдай бўлса-да, кўнгли гулдек, биллурдек нозик. Атрофга назар ташлаганингда шу нозикликни фаҳмламай, аёлга озор бераётган айрим кимсаларни кўриб ачинасан. Ахир, эркакнинг эркаклиги аёлдан кучлилиги, ундан иродалироқ бўлиб, саховатли ва мурувватлилиги билан ўлчанмайдими?

Аёлга дабдабалар, зебу зийнатлар, қимматбаҳо кийимлар эмас, кулиб турган очиқ чеҳра, кўнгилни тоғдек кўтаришга қодир бўлган оддий меҳр керак, озгина эътибор зарур. Аёлга меҳр кўрсатсангиз, бу меҳр юз карра зиёда бўлиб, фарзандларингизга етиб боради. Ҳа, фарзандларингиз сизнинг чироғингиз бўлса, аёлингиз шу чироқларнинг парвонасидир.

Хуллас, янги асрнинг биринчи йили "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилинишидан Ўзбекистон оналарининг қалби тўлқинланиб кетганлиги шубҳасиз. Отаонанинг меҳри — болани вояга етказувчи офтоб экан, азиз оталаримизнинг доимо оналар ёнида ҳамқадам бўлиб, улуғ мақсад — буюк келажак ворислари тарбиясида зўр қанот бўлишларига умид билдирамиз.

Салима ҚИЛИЧЕВА

2001 йил – Оналар ва болалар йили

ЛОКЛАНИШ АЙЁМИ ИЛА ЯНГИ АСРГА

Арафадаги ўйлар

Ҳаёт... Гоҳида ширин, гоҳида аччиқ, гоҳида шодон, гоҳида маҳзун дамлар. Баъзида тинч, баъзида суронли йиллар...

Ҳар бир мамлакат, ҳар бир миллатнинг ўзига хос байрамлари бўлади. Ва ҳамма байрамдан кўра миллий байрам ўзгача орзиқиш, ўзгача интиқлик билан кутилади. Буни сўз билан ифодалаш мушкул. Буни чуқур идрок этмоқ, ҳис қилмоқ мумкин. Ўзбекнинг миллий байрамларидан бири, Оллоҳдан сидқидилдан гуноҳларимизни мағфират айлашини тилаб, истиғфор қиладиган Рамазон ойидан сўнг ташриф буюрадиган Ҳайит байрами.

Ажабки, бу кун ўзгачадай. Бу кун эзгу ниятлар амалга ошишини ва эзгу амаллар бажаришни истайсиз. Бу йилги Ҳайитта барчамиз ўзгача руҳ, ўзгача маслак, ўзгача ният билан кириб келамиз. Чунки биз Оллоҳнинг иноятн билан покланиш байрами ила янги асрга ташриф буюрамиз.

Истиқлол ва истиқбол — бу сўз юртимиз шаҳар ва қишлоқларида илк бор 1991 йилнинг сентябр ойида жаранглади. Янги асрга, янги минг йилликка қадам қўяётган онларда, субҳи тонгларда бу сўзни алоҳида ҳаяжон, алоҳида ҳиссиётлар билан тилга оламиз. Чунки у ўзбекка ўзлигини танитди, шаънини, дини, урф-одатини қайтарди. Давлатимиз раҳбари томонидан тугаётган XX асрнинг сўнгги бир неча йили республикамизда "Инсон манфаатлари йили", "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили" деб номланиши ҳаётимиз кўрки, меҳр-муҳаббат тимсоли бўлган оналарга эътибор, ғамхўрликнинг юксаклигидан далолат.

Оналар дуога қўл очарканг, аввало, "Юртимиз тинч бўлсин, бошинг омон бўлсин" дея тилак билдирадилар. Демакки, Ватанга муҳаббат ва садоқат фарзанд онгига ана шу эзгу тилак орқали сингади.

Юртбошимиз томонидан 2001 йилни "Оналар ва болалар йили" деб эътироф этилиши, бу — биз оналарга, фарзандларга, юртга ғамхўрлик экан аслида. Назаримда, XXI аср мамлакатимизда ёшлар асри бўлиб қолади. Президентимиз "Ёшларни ҳеч кимга бериб қўймайман. Ўзбекистондаги барча ёшлар менинг фарзандларим", дея таъкидламоқдалар. Ёшларнинг хорижда таҳсил олиши учун "Умид" жамғармаси миллионлаб маблағлар ажратмоқда. Фарзандларимиз энг замонавий лицей, коллежларда таҳсил олмоқда. Аниқ, тез ва соз ишловчи техника-компьютерлар билан тиллашмоқда. "Информатика асри — глобаллашув асри" деб бошорат қилинаётган янги асримизда компьютерлар нафақат боғча ва мактабларга, балки ҳар бир хонадонга, ҳар бир оилага кириб боради, ҳар бир она-болага кўмакдош бўлади, деб ўйлайман. Фарзандларимиз юмшоқкина оромкурсида ўтириб, интернет орқали хорижлик тенгдоши билан боғланиб, фикрлашади, иншооллоҳ!

Янги асрдан тилагим — илоё, барча оналарнинг эзгу, гўзал орзулари рўёбга чиқсин. Қутлуғ кунлардаги дуолар ижобат бўлгай. Барчамизга тараққиёт ва саодат асри муборак бўлсин!

Арофат ОРТИҚОВА,
"Инсон ва қонун"
мухбири

АСР ҲАҚИДА ТАСАВВУР

Изҳор

Бу дунёдан умидвор одам яхшилик истаб яшайди. Орзулари эрта амалга ошмаса, индинга, кейинги ҳафтада, ойда, йилда, асрда ушалишига ишонадилар.

Халқимизнинг асрий орзуси мустақиллик эди. Не бахтки, мустақиллик XX асрнинг охирларига келиб, яна қўлга киритилди. Бир пайтлар жаҳонни ўзининг беқиёс салоҳияти билан лол қолдирган халқимиз маълум муддат давом этган мустабидликдан сўнг яна қаддини ростлаб бораётир. XXI аср Ўзбекистон учун улкан ютуқлар, тараққиёт ва фаровонлик асри бўлишига ишонамиз. Зеро, бу йўлдаги бугунги саъй-ҳаракатлар, қўйилаётган тамал тошлари, эзгу ниятлар ўзининг ижобий самараларини беришига шубҳа йўқ. Оққан дарё оқаверади, дейишади. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат, деган ақида шунчаки жарангдор, ёхуд дабдабали бир ибора эмас. Буюклик даъво қилиш, айнан ўз келажагини буюк кўра билган Ўзбекистонга ярашиқлидир. Ҳозирда юксак тараққиётга эришган Европанинг айрим мамлакатлари ўз даврида Амир Темур давлатида элчилари бўлганлигидан фахрланадилар...

Янги асрни тенглар ичра тенг кутиб олаётганимиз кўнглимизни тоғдек кўтаради, ўзгача бир фахрифтихор туямиз. Буюк мамлакатлардаги элчихоналаримиз пештоқида, нуфузли халқаро ташкилотлар бинолари олдида байроғимизнинг ҳилпираб турганлиги қалбларимизга фараҳ бахш этади. Ана шундай бахтга муносиб бўлиш, уни асраш, мустаҳкамлаш, яъни бахтни бекам қилиш ҳар биримизнинг ҳаёт тарзимизга айланмоғи лозим.

Биз янги асрда давлатимизни кучли фуқаролик жамияти сифатида тасаввур қиламиз. Демократик ҳуқуқий жамият қуриш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг самараси ўлароқ, келажакда ҳаётнинг барча жабҳаларида қонуннинг устувор бўлишига шубҳа йўқ. Қонун устувор бўлган давлатда эса тараққиёт, тинчлик, осойишталик барқарор туришини ривожланган мамлакатлар мисолида кўриб турибмиз. XXI асрда бу ўз исботини янада яққолроқ топади. Фақат одамлар онгига қонун барча учун баробар эканлигига ишончни сингдириш лозим. Бунга энг аввало аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, қонунга ҳурмат ҳиссини шакллантириш орқали эришиш мумкин. Президентимиз ҳам ўзларининг бир қанча асарларида бунга алоҳида тўхталиб ўтганлар.

Хуллас, янги аср Ўзбекистон учун буюк ўзгаришлар асри бўлажак. Бу йўлда залворли қадамлар аллақачон қўйилди. Тугаётган асрда мустақилликка эришганимиз эса қадамларнинг энг қутлуғидир. Зеро, дунёнинг турли бурчакларида мустақиллик учун курашлар ҳали-ҳануз давом этмоқда...

Умурзоқ ОТАБОЕВ,
Адлия вазирлиги
бошқармаси бош
маслаҳатчиси

Мужда

ЯНА БИР САВОБ ИШ

Донишмандлардан бири "Фақат ўзи учун яшамаган одамгина энг узоқ яшаши мумкин" деган экан.

Хоразм вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходимлари ҳам Исматилла Қўзиев раҳбарлигида жуда кўплаб ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Давлат хазинасига тушаётган тушумлар ҳам ўтган йилги режа кўрсаткичларидан анчагина кўп. Ҳар бир солиқ ходимига ва ҳар бир солиқ тўловчига ўз вақтида эътибор берилгани туфайли ишда яхши натижаларга эришилмоқда. Хива, Гурлан, Янгиариқ туманларида кенг ва замонавий бинолар барпо қилиниб, солиқчиларга катта қулайликлар яратиб берилди.

Яқинда Давлат солиқ бошқармаси раҳбарияти яна бир савоб ишга қўл урдилар. Йиллар давомида ҳалол ишлаб, қарилик таштини сураётган ходимлар, солиқ соҳасида ишлаган, лекин барвақт орамиздан кетган ходимларнинг хотирасини абадийлаштириш учун бошқарма қошида "Шон-шараф меҳнати" музейи ташкил этилди.

И.ЮСУПОВ,
Хива туман
Давлат солиқ
инспекциясининг
режим ва
кадрлар бўйича
бошлиқ муовини

Деҳқон ерни, ер элни боқади

(Лавҳа)

Сафар Бойматов номидаги очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти мамлакатимиз миқёсида довруқли хўжаликлардан бири саналади. Хўжаликнинг жуғрофий ўрни, иқтисодий-стратегик салоҳияти баъзи бир кичикроқ туманга бўйлаша олади. С.Бойматов ОТАЖининг ҳудуди 17 минг 666 гектарни, суғориладиган далалари 6 минг 77 гектарни ташкил этади. Хўжалик ҳудудида 30 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Аҳолининг 7 минг нафари ижтимоий фойдали меҳнат билан банд. Аҳоли кўп миллатли бўлиб, 8 та маҳаллада ўзаро иноқ, тотув яшайдилар. Биз мазкур хўжалик ҳақида, унинг омилкор раҳбари Эргаш Жумаевнинг ҳаёт йўли ҳақида илгари ҳам ўқувчиларимизга ҳикоя қилган эдик.

Бу сафар ҳам "Инсон ва қонун"нинг садоқатли муштарийлари ва ҳамкорлари бўлган қаҳрамонларимиз, уларнинг ибратомуз фаолиятлари ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик.

Хўжаликнинг ибтидоси, бир пайтлар эришган оламшумул ютуқлари ҳақида соатлаб ва ҳатто кун узоғи ҳикоя қилиш мумкин. Хўш, унинг бугуни қандай кечяпти? Ўнлаб хўжаликлар банкротдан нари-бери бўлиб турганда, кўпчиликлари санацияга туширилиб, ташқи бошқарув жорий этилган бир пайтда бу жамиятнинг номаи аъмоли қандай? Айтиш жоизки, бу йилги қурғоқчилик Сурхон воҳасининг табиату набототига, тупроғи-ю, ҳавосига, деҳқонларнинг кўзлаган ҳосил чўғига салбий таъсир кўрсатди. Салбий таъсирки, ҳеч бир сўз билан таърифлаб бўлмайди. Айниқса, қарийб юз фоиз пахтазору ғаллазорлари, боғроғлари сунъий тарзда (жами 130 та насос билан) суғориладиган Қумқўрғон туманидаги С.Бойматов номли жамоа хўжалиги деҳқонларини-да анча шошириб қўйди. Бироқ, шунга қарамай бободеҳқонлар етти ярим минг тонналик "оқ олтин" хирмонини бунёд этишди. Бироз "қизил" жумла бўлиб кетди" дейсизми? Ҳа, нима бўпти? Шунча уқубат билан яратилган хирмонни "оқ олтин" десак арзийди-да!

- Воҳамиз ҳудудининг аксарият қисми ёз фаслида накд икки ой қурғоқчиликни бошдан кечирди. Қурғоқчилик шундай бир офат бўлдики, ҳатто зовурларнинг қамишлари қовжираб, ич қисми чанқоқдан тарс-тарс ёрилиб кетди, аммо биз қараб турмадик, чора изладик, топдик ҳам, - дейди Эргаш Жумаев. - Амударёдан насослар ёрдамида сув олиб, Қоратоғ канали орқали далаларимизга оби-ҳаёт келтирдик. "Энди қурғоқчиликда, илож қанча" деб қўл қовуштириб ўтириб, ҳосилни бой бериб қўйсак, пировардида виждон қийноғида қолар эдик! Худо пахтамизга шу қадар барака бердики, ҳатто қўшни хўжаликларга ҳам ортиқча ҳосилимизни териб олишга рухсат бериб қўйдик. "Териб олинглар нобуд бўлмасин, ахир, пахтанинг ҳар бир килограммига ҳукуматимиз накд пул бераяпти-ку", дея хайрли ишга одамларни даъват қилдим ҳам...

Эргаш ака раҳбарлик қилаётган хўжаликнинг бошқа ишлари ҳам ибратли. Жумладан, 8460 гектар яйловда 63 бош йилқи, 170 бош қорамол, 1542 та қўйэчкилар, паррандачилик фермасида 1314 та товуқ боқилаяпти. Аксарият хўжаликларда қарийб унутиб юборилаёзган пиллачилик ҳамиша Эргаш оғанинг диққат марказида. Биргина шу соҳа режасининг оширишда бажарилиши эвазига 11 миллион сўм даромад олинишига эришилди. Ғалла етиштириш ҳам кутилган самарани берди. Энг яхши ширкат хўжаликларидан бирига Жума Қултоев раҳбарлик қилади. Унинг жамоаси ғалла ҳосилдорлигини 51 центнерга етказди. Айрим хўжаликларда такрорий экинлар экилиши ва парваришига эътиборсизлик билан қаралиши оқибатида олинажак ҳосил бой берилади. Такрорий экин нари борса чорвага ем бўлади. Сафар Бойматов номли хўжалик эса такрорий экинлар етиштиришнинг ўзидан 27 миллион сўм даромад кўрди...

- Албатта, ютуқлар ўзимизники, улар ҳақида гапириб, даромад ёки муваффақиятларни кўз-кўз қилиш маъқул иш эмас, - дейди Э.Жумаев. - Эндиликда ҳар дақиқани ғанимат билиб, ерни келгуси йил экинлари учун ҳозирлаш керак. Майдонларимиз сифатли шудгорланиб, бегона ўтларнинг илдизларидан тозаланди.

Оқсоқолнинг келгуси йилги ниятлари ҳам улуғ. Ниятларки, эл дастурхонини тўкин, Ватан мустақиллигини янада мустаҳкамлашга йўғрилган. Биз сафаримиз поёнида Сафар Бойматов номли жамоа хўжалиги меҳнаткашларининг ишларида зафарлар тиладик.

Б.ОЛЛОМУРОД,
Б.АБДУРАСУЛОВ

Суратларда: Қумқўрғон тумани С.Бойматов номли очиқ турдаги акциядорлик жамиятидан манзаралар: бош зоотехник Хайрулла Раббиев ва отбокар Эшпўлат Жумаевлар йилқиларни эмлаш хусусида фикрлашмоқда; бош агроном Х.Бўронов ҳамда туман МТП механизатори Ж.Жабборовлар шудгор сифатини текширишяпти.

САРМОЯЛАР САМАРА БЕРСИН

Мамлакатимиз иқтисодини жадал суръатлар билан ривожлантириш бир томондан халқимиз фаровонлигини таъминлашда етакчи омил бўлса, бошқа тарафдан аҳолини иш билан таъминлашда кенг кўламли имкониятлар яратиши тайин. Мамлакатимиз раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ана шу ҳаётий муаммоларни ҳал этиш борасида барча чора-тадбирларни ишга солиб келаётир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 октябрдаги 393-сонли "Қўшма корхоналар ташкил этишда хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори изчил олиб борилаётган шу иқтисодий сиёсатнинг узвийлигини кўрсатади.

Мазкур қарор мамлакатимизга кўплаб хорижий инвестицияларни жалб этиш учун лозим даражада барча шарт-шароитларни муҳайё этиш, хорижлик инвесторларни рағбатлантириш орқали янги корхоналар тузиш ҳамда ишга тушириш ҳар жиҳатдан қулайлик туғдиришни кўзда тутади. Сир эмас, бизда янги иш жойларига бўлган талаб, айниқса, қишлоқларда сезиларли даражада. Шу боис, қарорда таъкидлаб кўрсатилганидек, қишлоқ жойларида янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар воситасида тузилган корхоналар ишлаб чиқаришга киришган вақтдан бошлаб уч йил муддатга даромад солиғи тўлашдан озод қилинган. Бу муддатдан кейин эса қўшма корхоналар учун яна икки йил давомида даромад солиғи ставкаси амалдаги ставканинг 50 фоизи миқдорида қилиб белгиланган. Бу имконият чет эл сармояларининг мамлакатимиз ҳудудларига эркин кириб келиши ва иқтисодимизнинг тезкор ривожланишини таъминлашда асқотаётир.

Агар бу жараёнга Самарқанд вилояти мисолида қарайдиган бўлсак, қўшма корхоналар ташкил этишда хорижий инвесторларни жалб этиш яхши натижалар бераётганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, 1996 йили ташкил этилган "Самарқанд-Прага" қўшма корхонаси маҳсулотлари тез орада харидорлар назарига тушди. Ҳозир қўшма корхона икки юзга яқин кишини иш билан таъминлаб турибди. Яна бир "Балтимор—Челак" қўшма корхонасида қирқтача одам меҳнат қилмоқда. Бу корхона 1999 йили иш бошлаганига қарамай, маҳсулотлари харидорларнинг талабини тўла-тўкис қондираётир. Умуман вилоятда бундай равнақ топиб бораётган қўшма корхоналарга яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ бу ўринда хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарнинг таъсис ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ҳамда давлат рўйхатидан, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ўз таъсис ҳужжатларига риоя этишлари устидан назорат олиб боришни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга ҳам тўхтаб ўтиш жоиз. Бу борада Самарқанд вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси халқ хўжалигида ҳуқуқий ишлар бўлими томонидан бир қанча ишлар амалга оширилди. Хусусан, Президентимизнинг Олий Мажлис сессиялари-

даги маърузаларидан келиб чиқадиган вазифалар, жумладан, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, кичик ва ўрта хусусий бизнесни ривожлантириш борасида ходимларимиз Самарқанд шаҳрида, Каттақўрғон, Тойлоқ, Пахтачи ва Нарпай туманларида семинар кенгашлар ташкил этиб, мазкур масалалар бўйича маърузалар қилишди, тегишли маслаҳат ва тушунтиришлар беришди. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 майдаги мажлиси баённомаси бўйича рўйхатга олинган чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналарни паспортлаштириш талаби тўлиқ таъминланди, бундай корхоналарнинг фаолият кўрсатаётганлигини аниқлаш мақсадида хатлов ўтказилиб, маълумотлар Адлия вазирлигига юборилди.

2000 йил 15 сентябр ҳолатига кўра, бўлим томонидан 4 та хорижий сармоялар иштирокидаги корхона давлат рўйхатидан, 9 та қўшма корхона эса қайта рўйхатдан ўтказилиб, 8 та корхона давлат реестридан чиқарилди. Умуман олганда, вилоят адлия бошқармаси томонидан шу кунга қадар 101 та хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатига олинган.

Ҳозирги кунда бундай корхоналарнинг аксарияти фаолияти тўхтаб қолганлиги боис тугатилмоқда. Жумладан, вилоят бўйича, жами 183 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналардан 62 та корхона фаолият кўрсатиб келмоқда. 91 та ана шундай корхоналар фаолиятсизлиги боис тугатилиб, давлат рўйхати реестридан чиқарилган. Шулардан 52 таси ўз ихтиёри билан берган аризасига асосан, 39 таси эса вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорларига кўра тугатилди. 7 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ихтиёрий равишда тугатиш арафасида.

Айни пайтда вилоят ҳудудларида хорижий инвесторлар билан бирга қўшма корхоналар ташкил этишни режалаштириш ишлари ўзининг якунига етган. Самарқанд вилоятида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш идораларо ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган ва вилоят ҳокимлиги тасдиқлаган аниқ режага кўра, 2001-2005 йиллар мобайнида вилоятда хорижий инвесторлар билан бирга 33 та қўшма корхона тузиш белгиланган. Янги йилда ана шу корхоналарнинг 8 таси иш бошлаши лозим. Мазкур корхоналарни рўйхатдан ўтказиш, уларнинг ўз таъсис ҳужжатларига риоя этишлари устидан назорат олиб боришни такомиллаштириш, табиийки, вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси, хусусан, бошқарманинг халқ хўжалигида ҳуқуқий ишлар бўлимининг асосий эътиборида бўлади. Барчамизнинг асосий мақсадимиз, мамлакатимиз раҳбарияти, ҳукуматимиз томонидан чет эл сармоядорларига яратиб берилган шарт-шароитлар асосида иқтисодиётимиз ривожига ҳисса қўшаётган қўшма корхоналарнинг қонуний фаолият кўрсатиб, фаровонлигимиз йўлида ишлашига кўмаклашишдир.

Комил БАҲРИДДИНОВ,
Самарқанд вилояти Адлия бошқармаси бўлими катта маслаҳатчиси

ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧЛАРИДАН БИРИ

Божхона ҳаёти

Фарғона вилояти божхоначилари республикамиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ички бозорни ҳимоя қилиш, жумладан, товар-моддий бойликларни, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларининг мамлакатимиз ҳудудидан ноқонуний олиб чиқиб кетилишини ҳамда сифатсиз маҳсулотларнинг кириб келишининг олдини олиш, уюшган жиноятчиликка, контрабандага ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига қарши курашда бир қатор амалий ҳамда ташкилий ишларни амалга ошириб келмоқда.

Вилоят божхона бошқармаси бошлиғи, божхона хизмати полковниги ҳуқуқ ва кимё фанлари доктори, профессор Иброҳимжон Раҳмонович Асқаров билан суҳбатимиз ана шулар хусусида.

- Маълумки, идорамиз республикамиз ички ва ташқи сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланувчи ягона божхона сиёсатини амалга оширади. Унинг мақсадлари эса божхона ҳудудимизда самарали назоратни ҳамда товар айирбошлашни тартибга солишни таъминлашдан, иқтисодиёт ривожини рағбатлантиришдан, ички бозорни ҳимоялашдан иборат.

Менимча, бугун республика давлат божхонаси идоралари Президентимиз ва халқ ишончини оқлаяпти, деб бемалол айтса бўлади. Якунланаётган 2000 йилнинг ўтган ўн бир ойида давлат бюджетига 2 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ўтказилганининг ўзиёқ божхоначиларнинг давлатимизнинг иқтисодий равнақи, пойдевори ҳимоячилари эканига ёрқин далолатдир.

- Ушбу фикрингизни Фарғона вилояти божхона бошқармаси мисолида давом эттирсангиз?

- Вилоятимиз божхона бошқармаси шахсий таркиби ҳам мустақил Ўзбекистонимизнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда, шу тизимни жаҳон андозалари даражасига кўтаришда муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бунга рақамлар гувоҳ.

Қаранг, 1997 йилнинг дастлабки 11 ойида Фарғона вилояти божхоначилари давлат бюджетига 157 млн. сўмдан ортиқ маблағ ўтказган бўлса, 2000 йилнинг шу даврида 2 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ўтказди. Ёки божхона бошқармасида хизмат қилаётган ҳар бир ходим 1997 йилнинг шу даврида давлатга 82 минг сўм атрофида соф фойда келтирган бўлса, жорий йилнинг шу даврида бу рақам салкам 7 млн. сўмни ташкил этди.

Бундан тўрт йил аввал Фарғона вилояти божхона бошқармаси суриштирув бўлими томонидан 11 ойда аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлган 20 та ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган бўлса, 2000 йилнинг шу даврида бу 32 тани ташкил этди.

Кўриб турганингиздек, рақамларда катта тафовут бор. Улар фидоий ёндашув натижаси. Ходимлар маънавий пок, қалбида она Ватанга муҳаббат туйғуси бўлса, хизмат қилаётган касби ва вазифасининг масъулиятини чуқур ҳис қилиб, сидқидилдан ёндашсагина кутилган натижага эришиш мумкин. Шу маънода шахсий таркибнинг мафкурасида миллий ғурур, истиқлолга содиқлик ҳиссини уйғотиш мақсадида маънавият ва маърифат ишлари савиясини оширишга асосий эътиборни қаратдик.

Фаолиятимизда жонкуяр ва тажрибали ходимларнинг хизмат "бисоти"дан фойдаланаяпмиз. Масалан, маскан бошлиқларидан, божхона хизмати подполковниклари Аҳмадали Орипов, Алишер Раҳмоналиев, Аъзамжон Солиев, Соҳибжон Ворисов, бўлим бошлиқларидан божхона хизмати подполковниги Муҳаммаджон Юлдашев, Баҳодиржон Камолов ва бошқалар фидойилик фазилатлари билан бошқаларга намуна бўлмоқда. Бошқармамиз шахсий таркиби бундай жонсарак ходимлари билан фахрланади.

- Бошқармангиз таркибида вилоятлараро ўқув маркази фаолият кўрсатар экан...

- Божхона соҳаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи сифатида шаклланган кундан эътиборан кадрларнинг билими, касбий маҳорати ва жанговар тайёргарлигини ошириш, шу тизимга янги қабул қилинаётган ходимларни қайта тайёрлаш каби масалаларни ҳал қилиш мақсадида Фарғонада вилоятлараро ўқув маркази ташкил этилган эди. Бугун ушбу ўқув марказини 500 дан зиёд ёш божхоначилар битиришиб, республикамизнинг турли вилоятларида самарали хизмат қилишмоқда.

Марказда фан доктори, 7 нафар фан номзоди ҳамда малакали мутахассислар ёшларга божхонага оид фан сирларини чуқур сингдириб келишмоқда.

Ўрни келгани учун таъкидлашим жоизки, Фарғона вилояти ҳокими А.Отабоевнинг бевосита ёрдами билан ўқув марказига Фарғона шаҳридан алоҳида бино ажратилди ва у замонавий асбоб-ускуна, компьютерлар билан жиҳозланиб, ёш божхона ходимларининг севимли масканига айланиб қолди. Бунинг учун ҳиммати баланд инсонларга миннатдорчилик билдирмасдан бўладими?

- Қўшни давлатлар божхона тизимлари билан ҳамкорлик ҳақида гапирсангиз?

- Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, наркотик моддалар контрабандасига қарши кураш, қурол-яроқ, ўқ-дориларни ғайриқонуний равишда ташилишининг олдини олиш ва аниқлашда, халқларимиз ўртасидаги азалий қариндошуруғчилик алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида, қўшни Тожикистон ва Қирғизистон Республикаларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари билан тез-тез учрашувлар ўтказиб турамиз.

Хусусан, 2000 йил июн ойида Қирғизистон Республикаси Боткент вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари билан шундай тадбир ўтказдик. Учрашувда аввало, контрабанда ҳолатларини аниқлашда ахборотлар алмашишни йўлга қўйиш, биргаликда тадбирлар ўтказиш, азалдан божхона чегаралари орқали ўтиб, бордикелди қилиб юрган фуқароларга муносабат, аҳолига қонунларни тушунтириш борасидаги масалалар хусусида фикрлашиб олдик.

Бундан ташқари яқинда бошқармамизга АҚШнинг бир гуруҳ мутахассислари ташриф буюришди. Мақсад — Халқаро терроризмга қарши биргаликда кураш, Марказий Осиё орқали наркотик моддаларнинг олиб ўтилишининг пайини қирқиш, техника воситалари алмашиш ва бошқа масалалар бўлди.

- Божхона органларига кадрларни жалб қилиш борасидаги аҳвол қандай?

- Божхона органи ходимидан талаб, унинг мамлакат иқтисодиётини муҳофаза қиладиган, жиноятчиликни олдини оладиган, контрабандага қарши курашадиган ходим бўлишидир. Бу масалага алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Шу боис олдимизга қўйилган вазифаларни шараф билан бажараяпмиз. Сафдошларимизнинг аксариси ҳуқуқшунос, иқтисодчи. Бошқа соҳа мутахассислари ҳам бор. Давлатимизнинг миллий таълим дастури асосида мутахассис кадрларни тайёрлаш, соғлом, олий маълумотли ходимлар билан сафимизни тўлдириб боришга алоҳида эътибор бериб келяпмиз.

Суҳбатдош: Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
журналист

Яхши ният

Янги йил, янги аср арафасида турибмиз. Ўтаётган асримизнинг сўнгги ўн йиллиги ўзбек халқи ҳаётида унутилмас из қолдирди. Дунё харитасида Ўзбекистон деб аталмиш янги давлат пайдо бўлди.

Албатта, эндигина мустақилликка эришган, тикланиш палласини бошидан кечираётган мамлакат халқи ҳаётида айрим етишмовчиликлар, қийинчиликлар бўлиши табиий. Аммо баъзи кимсалар шу ўтиш даври қийинчиликларини рўкач қилиб, жиноятга қўл ураётгани ачинарли ҳолдир.

Хуршид Муҳаммадиев Фориш туман зарарсизлантириш марказида дезинфектор бўлиб ишларди. Ўтган йилнинг сентябр ойида Фориш туман Янгиқишлоқ шаҳарчасида жойлашган "Бозор ота" хусусий чойхонаси олдидан ўтиб кетаётиб, чойхона эгаларининг ухлаб ётганига кўзи тушди. Фурсатдан фойдаланиб, чойхонага кирди-ю, у ердан умумий нархи 900 сўм бўлган 6 шиша "Прага"пивосини, умумий нархи 500 сўмлик 2 дона "Фанта" ичимлигини ва 2500 сўмлик колбасани ўғирлаб кетди. У жами бўлиб чойхона эгасига 3900 сўмлик зарар етказди. "Менинг нафсим балодур, ёнган ўтга солодур" деб шуни айтсалар керак-да.

Жиззах политехника институтининг 3-курс талабаси Зафар Холхўжаев баднафсликда Хуршид Муҳаммадиевдан ҳам ўтиб кетди. У самарқандлик дўсти Одил Аъзамов билан тил бириктириб, ўзининг қариндоши, Фориш тумани Гараша ширкат хўжалигига қарашли Хуробғзи қишлоғида яшовчи амакиси Дониёр Холхўжаевнинг умумий нархи 64 минг сўмлик тўртта қўйини ўғирлаб, Жиззах бозорида сотиб юборди.

Ҳар икки жиноят ҳам бугун ўз якунини топган. Жиноятчилар қилмишига яраша жазосини олишган. Лекин кишини бир нарса ўйлантиради. Нега инсон жиноятга қўл уришдан олдин оқибатини ўйлаб кўрмайди? Бу каби жиноятлар бизнинг халқимизга ёт. Улар ўтаётган асримизда қолиб кетишини, XXI аср ўзбек халқи учун буюклик асри бўлиб қолишини истайман.

Фарҳод ҚУЛМАТОВ,
Фориш тумани прокурори,
адлия маслаҳатчиси

КЛАТЛАР ЭСКИ ЙИЛДА ҚОЛИБ КЕТСИН

МУЛК ҲУҚУҚИНИ БИЛАСИЗМИ?

Сабоқ

Мустақиллик туфайли халқимизда мулкдорлик туйғуси тобора шаклланмоқда. Бахтимиз Қомуси — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида "Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақлидир", деб таъкидланган.

Мулк ҳуқуқининг субъектлари оддий фуқаролар, уларнинг оила аъзолари, айрим ҳолларда алоҳида хусусий шахслар ёки бирлашган шахслар бўлиши мумкин.

Хусусий мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида фуқаролар ҳар хил ҳуқуқий муносабатларга киришадилар. Бирида ёлланиб ишловчи, иккинчисида — якка тартибда фаолият юритаётган тадбиркор бўлиб, субъектив ҳуқуқ ва бурчларга эга бўладилар.

Фуқаро тадбиркорлик фаолияти билан фақат қонунда белгиланган тартибдагина шуғулланиши мумкин. Фуқаронинг мулкдор сифатида ўз мол-мулкини тасарруф этишини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчисида, уларнинг мулкдор сифатида давлат рўйхатидан ўтиши талаб этилмайди. Лекин фуқаро ўзига тегишли бўлган кўчмас мулк, ашёлар, мол-мулкларни махсус рўйхатдан ўтказиши зарур. Иккинчисида, хусусий мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун давлат рўйхатидан ўтиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг нотариат тўғрисидаги Қонунида таъкидланганидек, шартнома асосида мол-мулк олувчида мулк ҳуқуқи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ашё топширилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Агар мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиши ёки нотариал тасдиқланиши лозим бўлса, бу ҳолатлар адо этилиб, давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида қурилаётган янги уй-жойга мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгалигида бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлаб қўйилган (улушли мулк) ёки бундай улушлар аниқлаб қўйилмаган (биргаликдаги мулк) ҳолда умумий мулк бўлиши мумкин.

Шунингдек, нотариус эр-хотиннинг ёзма аризасига мувофиқ улардан бирига ёки ҳар иккисига никоҳ давомида орттирилган умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беради.

Абдуназар ЖЎРАЕВ,
Жомбой тумани давлат нотариуси



Гулистон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси жамоаси Янги йилни катта ютуқлар билан қарши олишаяпти. Гулистонлик солиқчиларнинг қўлга киритган ютуқларида Ўктам Ҳайдарқуловнинг ҳам ҳиссаси катта. У етти йилдан бери назорат тартибини текширишларни ташкил этиш гуруҳи раҳбари бўлиб ишлаб, 1050 та савдо нуқталарини тартибга келтириб, 650-700 нафар турғун шаҳобчага эга бўлган тадбиркорларга яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Техника шайдоси Иномжон Қоплонбоев Сайхунобод туманидаги "Сайхунобод" пахта тозалаш корхонасида чилангар бўлиб ишлаб, касб маҳоратини оширди. Кўплаб ёшларга устозлик қилди. Моҳир техника устаси 1998 йилдан бери мазкур корхонада бош муҳандис вазифасида ишлаб, ишчилар меҳнат муҳофазасини таъминлашда бир қанча ибратли ишларни амалга оширяпти.

Суратда: (ўртада) корхона бош муҳандиси И.Қоплонбоев ишчилардан Фазилат Султонова, Венера Ҳайриддиновалар билан ўзаро мулоқотда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар

Меҳр-оқибат кўтарилмасин

ИХТИЛОФ

бирининг ҳаётига зомин бўлди, иккинчисининг...

Бахтга қарши Оқдарё туманининг Янгиобод жамоа хўжалиги Мувон қишлоғилик онахоннинг икки ўғлидан тинчи бузилди. Бир қоридан талашиб тушган ака-ука ихтилофга бориб онаизорга, фарзандларига уларнинг кўнгилларида тузалмас дарз қолдирди. Келишмовчилик оқибатида бири ҳаётдан кўз юмди, иккинчиси умрининг ўн бир йилини қамоқда, темир панжара ортида ўтказадиган бўлди.

Қўчқор билан Нуриддин ўртасида уй-жой устида аввалдан низо бўлган экан. Воқеа содир этилган куни Қўчқор спиртли ичимлик ичиб, маст ҳолда эски ҳовлига укаси, онаси ва болалари билан яшаётган хонадонга сўкиниб кириб келади. Ўша пайтда Нуриддин ҳовлида йўқ эди. Қўчқор онаси ва Нуриддиннинг болаларини куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлайди. Ҳовлидаги молларни қўлидаги таёқ билан "Буларнинг нима ҳаққи бор, менинг ҳовлимга мол боғлашга?" дея савалайди. Шу пайт Нуриддин кириб келади. Ака-ука қўлларига таёқ олиб бирбирини урадилар. Ука таёқ билан аканинг бошига қаттиқ уриши натижасида Қўчқор Амиркулов тан жароҳати олиб йиқилади. Кўрсатилган тиббий ёрдам Қўчқорнинг ҳаётини сақлаб қололмайди. Орадан беш соат ўтгандан кейин Қ.Амиркулов касалхонада ҳаётдан кўз юмади.

Суд-тиббий экспертиза хулосасида ҳаёт учун хавфли тан жароҳати Қўчқорнинг ўлимига сабаб бўлганлиги, марҳум тириклик вақтида енгил даражада маст ҳолатда бўлганлиги, унинг қонида опий гуруҳидаги алкалоидлар топилганлиги кўрсатилган.

Қўчқор Амиркуловнинг алоҳида ҳовлиси бор. У онаси билан жигарларидан ўйнаб-кулиб хабар олиб турганда, қандай савобга қоларди.

Одамни гап, тегирмонни сув бузаркан. Хотинлар эрларини инсофга, муросага чақириш ўрнига бир-бирига тиж-гижлашган. Ҳатто ака бўлмиш Қўчқор ўзини туғиб вояга етказган онасини ҳам, у яшаётган остонани ҳам ҳурмат қилишни унутиб қўйган. Ака-укада маънавият етишмаслиги шу даражага борибди. Хўш, қавм-қариндошлар, маҳалла-кўй нега эътиборсизлик қилди? Низо бир оила бошлиғининг ҳаёти тугаши, беш фарзанднинг отаси Нуриддин Ҳотамовнинг эса озодликдан маҳрум қилиниши билан якун топди. Онага қийин бўлди. Бир ўғлидан жудо, иккинчисидан тирик жудо. Қонун қонун-да! Жиноятчи жазосини тортди.

Неча бор кўнглини оғритган бўлса-да, Қўчқорни ҳам, энг яқин жигарининг ўлимига сабабчи Нуриддинни ҳам она барибир кечиради. Бироқ, одамлар, ака-ука, қавм-қариндош ўртасида меҳр-оқибат кўтарилмасин экан.

Тўлқин ҚОДИРОВ,
Оқдарё туман суди судьяси,
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Таҳрирсиз хат

ЯНГИСИНИ ҚУРМАЙ ТУРИБ..

Биз "Инсон ва қонун" газетасини мунтазам кузатиб борамиз. Унда тадбиркорларнинг кенг фаолият юритишига тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳақида кўплаб мақолалар бериб борилмоқда. Шунинг учун биз сизларга мурожаат қилишга қарор қилдик.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 1996 йил 17 сентябрдаги Собир Раҳимов тумани Қорақамиш бозор ҳиссадорлик жамияти ва унинг шахобчаларини таъмирлаш учун рухсат бериш ҳақидаги 564-ф фармойиши ҳамда шаҳар меъморчилик ва қурилиш бош бошқармасининг лойиҳалари асосида биз тўққиз тадбиркор Қорақамиш бозорининг олд қисмига дўкон ва ошхоналар қурган эдик. Шундан буён ҳалол фаолият юритиб, баҳоли қудрат халққа хизмат қилиб келмоқдамиз. Ер солиғи ва бошқа барча тўловларни ўз вақтида тўлаб турибмиз.

Лекин яқинда Собир Раҳимов тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мўминов бозорга келиб, бизга дўконларимиз бузилишини маълум қилди ва шартимизга кўнсаларинг бозор ортидан жой берамиз, кўнмасангиз ҳеч нарсасиз қоласиз, деб пўписа қилди. Аммо дўконларнинг бузилиши ҳақида ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олмади.

Унинг гапига қараганда бизнинг дўконларимиз бозор олдини беркитиб, харидорларнинг бозорга келишига халақит бераётган эмиш. Шу туфайли бозорга кам одам келаётганмиш.

Аслида бизнинг дўконларимиз ва ошхоналаримиз борлиги учун бозорга харидорларнинг келиши кўпайди. Агар дўконлар асоссиз бузиладиган бўлса, бизнинг тадбиркорлик фаолиятимизга путур етиши билан бирга 30 киши ишсиз қолади. Ахир уларнинг оиласи бор-ку.

Тўғри, бозорларимиз молларга сероб, одамлар билан гавжум бўлгани яхши. Бунинг учун бизнинг дўконларимизни бузиш эмас, балки тадбиркорлик билан шуғулланувчилар учун қулай имкониятлар яратиш, автобус бекатларини бозор ҳудудига яқинлаштириш, бозор яқинида машиналар тўхташ жойларини ташкил этиш керак.

Дўконларни бузиш ҳақидаги гапни эшиттанимиздан буён қўлимиз ишга бормай қолди. Бунинг устига бозор раҳбари ҳар куни келиб, магазинларни булдозер билан суриб ташлайман, деб дўқ уради.

Президентимиз "Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузманг", деган гапни кўп такрорлайдилар. Бундан ташқари у киши тадбиркорларни доимо қўллаб-қувватлаб келади. Умуман, бутун мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада ҳукуматимиз томонидан қатор қарорлар қабул қилинди. Лекин шундай пайтда Собир Раҳимов тумани ҳокимияти бошқача йўл тутмоқда.

Биз сизлардан тадбиркорлик ҳақ-ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишда ёрдам беришингизни сўраймиз.

А.САЪДУЛЛАЕВ,
З.ИНОҒОМОВ,
жами 8 имзо

ТАҲРИРИЯТДАН: Мамлакатимизда тадбиркорликка катта аҳамият берилмоқда. Бу ишнинг бошида Президентимиз турганлиги тадбиркорлар Ватан ва юрт истиқболини белгиловчи катта куч эканлигини англатади.

Юқоридаги хатда тилга олинган айрим дўконлар 1997-98 йилларидан буён фаолият кўрсатиб келаётганлиги ҳақиқат. Улар тегишли қарорларнинг тегишли моддаларига амал қилмасдан қурилган экан, туман ҳокимиятидаги мутасаддилар нега шу пайтгача ҳеч нарса дейишмади?

Одатда қонуний қурилган иншоот курган одамнинг хусусий мулки ҳисобланади. У амалдаги қонунлар билан ҳимояланади. Уни бузишдан олдин мулк эгасига истаган жойдан ер ажратилиб, бузилаётган бинонинг қиймати тўланиши шарт.

Албатта, қайси бинони бузиш ёки қуриш ҳокимлик ихтиёридаги иш. Лекин бу ишни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиши лозим эмасми? Биз мактуб юзасидан тегишли мутасадди ташкилотлардан жавоб кутамиз.

Сиз уни танийсиз

ЯНГИ МИНГЙИЛЛИК ОДАМИ



Поёнига етаётган ХХ аср инсоният тарихида ўзгача мавқе, алоҳида ўрин тутмоғи табиий. Жаҳон халқлари бу асрда тараққиётда ҳам бемисл ютуқ ва кашфиётларни, хунрезлик бобида ҳам кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кўргуликларнинг гувоҳи бўлди. Чунончи, ХІХ асрнинг охирларида ўз эрки, иноннихтиёрини бой берган аҳли Туркистон ХХ аср ниҳоясида яна Озодлик тонгини қаршилаш, Ҳуррият қўшиғини айтиш бахтига мушарраф бўлди.

Салкам бир аср ҳукм сурган мустабид тузумлар даврида халқимиз не-не азоб-уқубатларни бошдан кечирмади дейсиз. Қарамлик, очлик, қирғин-барот, қатағон, хўрлик, камситишлар... Барчасини бир-бир айтаверсак, адо бўлмайди. Шукрки, бугун уларнинг ҳаммаси ортда қолди. Лекин у қаро кунларнинг аччиқ сабоғини унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мустақиллик ҳар бир шахсдан ва бутун миллатдан мутелик кайфиятидан халос бўлишни, янгича дунёқараш, янгича тафаккур тарзини талаб қилади.

Истиқлолимизнинг истиқболи йўлида беминнат хизмат қилаётган кўплаб фидойи ватандошларимиз қаторида республикамиз ойнаи жаҳони "Ёшлар" телеканалининг "Ҳуқуқ ва бурч" кўрсатуви муаллифи ва бошловчиси Бахтиёр Шохназаровнинг ҳам ўз ўрни бор. Ёш зиёлининг бу борадаги фаолияти ниҳоятда ўзига хос, пухта ўйланганлиги билан ажралиб туради. Ҳақ-ҳуқуқини яхши таниган инсон мудом кучли, енгилмасдир. Уни ҳеч ким, ҳеч қандай куч зўрлаб ҳам ўз измига бўйсундиролмайди. Ҳуқуқий онг ва маданияти юксак халқнинг эртаси албатта порлоқ бўлади. Булар "Ҳуқуқ ва бурч" кўрсатувини жилла қурса, фақат бир бора кўрган томошабиннинг ҳам қалб торларини нозик чертадиган, мушоҳада қилишга ундайдиган фикрлардир.

"Ҳуқуқ ва бурч" ўз номига муносиб тарзда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасидаги мавзуни сондан сонга босқичма-босқич, изчил давом эттиради. Томошабинни оддий саволлар жавоби билан қизиқтириб, мураккаб муаммоларнинг ечими томон етаклайди. Фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниш баробарида давлат ва жамият олдидаги бурчларини ҳам ёдга оладилар.

Бахтиёр Шохназаров муаллифлигидаги мазкур кўрсатувни сира ҳам лоқайд кузатиб бўлмайди. Бир қарашда жўнроқдек бўлиб кўринган мавзу, сал мушоҳада қилсак, у кундалик муносабатларимизнинг асосини ташкил этишини беихтиёр ҳис қиламиз. Аввалида ўзига хос аудиторияга фуқаролик, мерос, муаллифлик ҳуқуқлари ҳақида тушунчалар бераётган бошловчи аста-секин уларни суд жараёнлари, ундаги айрим муаммолар сари бошлайди. Таниқли ҳуқуқшунос олим, мутахассисларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини тинглайди ва бевосита улар билан баҳсга киришади. Нега бизда гаров қўллаш масаласига панжа орасидан қаралаяпти? Айбдорга жазо белгилашда жаримага жуда кам эътибор қилинади. Жарима жазо эмас, деб қаровчилар янглишадилар. "Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним", деган нақл бежиз яратилмаган, дейди. Фикрларини ривожланган давлатлар қонунчилиги тажрибаси мисолида мустаҳкамлайди. Энг муҳими, у менинг айтганларим мутлоқ ҳақиқат деб даъво қилмайди, сизу бизгада, мулоҳаза учун имкон қолдиради.

Сўзимизни мухтасар қилсак, Бахтиёр Шохназаров руҳи уйғоқ, қалби бедор замондошларимиздан. Бу унинг бошқа оммавий ахборот воситаларида, жумладан, газета ва журналлардаги бир қатор мақола ва публицистик чиқишларида ҳам намоён бўлмоқда.

Сирожиддин РАУФ

Азиз ватандошлар!

Самарқанд вилоятидаги «Акмал Умаров» хусусий нотариал идораси жамоаси

Сизни Ийд-Рамазон байрами ва янги 2001 йил билан самимий қутлайди!

Янги йил, янги асрда барчангизга фаровон турмуш, тинчлик, бахт-саодат тилаймиз.

Муборак кунларда, йил бошида қилаётган эзгу ва пок ниятларимизни амалга оширишда Яратганнинг ўзи бизга мададкор бўлсин.

Мамлакатимиз вилоятлари орасида Бухоро воҳаси давлат қарамоғидаги муассасаларни 2001 йил нашрларига, жумладан, Адлия вазирлиги муассислигидаги "Ҳаёт ва қонун" журнали, "Инсон ва қонун" газетасига обуна қилиш борасида энг кам кўрсаткич билан охирги ўринда.

Адлия тизими соҳасида ягона ҳисобланмиш ушбу ҳуқуқий нашрларнинг аҳоли учун муҳимлигини таъкидлашга ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз. Чунки турмуш тарзимизда — ҳаётимизда қонундан четда турган бирор бир соҳа йўқки, биз унга бефарқ бўлсак.

Нуфузи баланд, Бухородек азим, қадим тарихи, маданияти, илм-фан, санъат соҳасида ўз овозига эга вилоятда бор-йўғи 96 та "Инсон ва қонун" газетасига ва 63 та "Ҳаёт ва қонун" журналига обуна бўлишганини қандай тушуниш мумкин (10 декабргача бўлган маълумот), бунинг сабаблари нимада экан?

***

Мухбир учун ўзи хизмат қилаётган газета ёки журнал обунаси билан қизиқиш табиий, албатта. Шу ниятда мен вилоятнинг айрим туманларида, жумладан, Шофирконда бўлиб, обуна билан боғлиқ ғаройиб воқеаларга гувоҳ бўлдим. Икки-уч кун олдин вилоят ҳокимлиги газетаси ҳисобланмиш "Бухоронома"да "Газета ўқимайдиган раҳбар" номли танқидий мақола ёритилган, унда туман бюджетидан ажратилган миллион сўмдан ортиқ маблағни ўйламай, ўзаро таниш-билишчилик асосида тақсимлангани ҳақида ёзилган эди. Шундай бир фурсатда менинг ташрифим туман раҳбарларига сал эришроқ туюлди, очиғи ботмади. Бунга улар "ҳақли" эдилар: чунки кетма-кет суриштирув, сиёсий-мафкуравий тадбир билан боғлиқ ҳар қандай талаб туман ҳокимлиги мутасаддиларига ёқмайди. Чунки обуна масаласида ташкилотчилик бўшаштириб юборилгани "Бухоронома"да асосли уқтирилади. Йўқса, туман бюджетидан ажратилган 1,5 миллион сўм маблағ қаёққа кетди, нималарга сарфланди — бу назардан четда қолармиди?

- Шофирконни мақтанг, бирор дурустроқ гап топинг-да, мақтанг! - деди К.Бобомуродов. Унга ҳамроҳ бўлиб турган бир ўқитувчи ўринбосарнинг гапини маъқуллади:

- Шофирконни мақтанг! Газетага уриш лозим бўлса, мана, ёнгинамизда Вобкент, Ғиждувон туманлари бор, улар ҳар қанча танқид бўлса, кўтаради - бақувват...

Ярим ҳазил, ярим чин маънода айтилган бу гапни тўғри тушунишга ҳаракат қиламан. Уларнинг беғараз гапларида балки Шофирконни севиш, унга гард юқтирмаслик истаги бордир. Шундайлиги рост бўлсин. Аммо шунчаки ният, гап билан бунга эришиб бўлмайди-да. Ён қўшнилар (туман мисолида) билан чин маънода ҳалол рақобатлашиш учун лоақал унга тенг куч, мақсад билан тер тўкиш, меҳнат қилиш, изланиш лозим. Етакчилик эса ҳамиша раҳбарнинг зиммасида! Булар шартнинг энг оддий талаби, лекин ҳаммаси эмас... (Вобкент ва Шофиркон туманларининг қишлоқ хўжалиги, иқтисод ва хўжалик юритиш борасидаги 3-4 йиллик натижаларини қиёсий ўрганаяпмиз. Балки ана шу таҳлилий мақолада ҳар икки туманнинг салоҳияти, имкони ва ҳатто ўз юртига бўлган меҳр-муносабат, ҳурматлари намоён бўлар...)

Бугун далиллар билан танишгач, шундай хулосага келиш мумкинки, обуна учун бюджетдан ажратилган 1,5 миллион сўм маблағ ўзбошимчалик билан туман маданияти ва маърифатини назар-писанд қилмай, ўзаро

Мусиқа мактабига — "Молия қонунлари"
Туман архивига — "Бозор, пул, кредит!"

ОХИРИДАН БИРИНЧИ...

маънавият ҳақида ўйлар

манфаатдорлик мақсадида тақсимланган. Диққатингизни "Бухоронома"да ёзилган айрим далилларга қаратмоқчиман.

"...Давлат қарамоғидаги муассасаларни 2001 йил нашрларига обуна қилиш учун туман бюджетидан 1,5 миллион сўм маблағ ажратилган. Шунинг 630 минг сўми халқ таълими бўлимига берилди. Шуниси қизиқки, бўлим мудири Ҳалим Вафиев кўзини чирт юмди-да, бу маблағни 300 нусха "Шофиркон овози" газетаси, 10 нусха "Адолат нури" ва 12 нусха "Овози тожик" газетаси обунаси учун ўтказиб юборди. Биз ушбу нашрлар ўқитувчиларга керак эмас, демоқчи эмасмиз. Лекин инсоф билан айтганда, атиги бир дона "Халқ сўзи" ёки "Бухоронома" сингари ижтимоий-сиёсий газетага обуна бўлинмаган... (Изоҳ: туман ХТБ ушбу танқидга қарши 20 декабр — обунанинг охирги кунида "тер тўкиб меҳнат қилишди": кафолат хати асосида бир неча газеталарга насияга обуна бўлишди. Чунки бюджетдан кетган пулнинг ҳисоб-китобини жой-жойига қўйиш шартга ўхшаб қолган эди-да... - Р.Раупов). ХТБ мудири учун маорифчиларнинг ғоявий-сиёсий онгини ошириш, ҳукумат қарорлари-ю, Президент Фармонларини уларга етказишдан кўра ошна-оғайнигарчилик муҳимроқ кўринган.

...Туман маданият бўлимига обуна учун бюджетдан 300 минг сўм ажратилган 60 та кутубхонани ижтимоий-сиёсий газеталар билан таъминлаши лозим бўлган бу идора 3 нусха "Халқ сўзи" ва 3 нусха "Бухоронома" газетасига обуна бўлган ҳолда ҳар бирининг обуна баҳоси 10 минг сўмга яқин бўлган "Банк иши" журналига 2 нусха ёзилгани кишини ажаблантиради.

Тумандаги мусиқа мактаби "Молия қонунлари" журналига, туман архиви эса "Бозор, пул, кредит" журналига обуна бўлишган. Назаримизда, бу муассасаларга иқтисодий нашрлар зарур бўлмаса-да, уларга бюджетдан пул ажратаётган молиячилар обунага ўз журналларини (мажбуран - Р.Раупов) тиқиштирганлар... Ажаб, мусиқа мактаби ва молия қонунлари...

Холис айтадиган бўлсак, тумандаги ҳақиқий аҳвол бундан-да, аянчли. Шу куни (20 декабр 2000 йил) менинг гувоҳлигимда Шофирконда "Бухоронома" танқидини йўққа чиқариш учун катта ҳаракат бошланган эди. Бу ҳақдаги маълумотлар алоҳида текширишни талаб этади... Шофиркондаги "Матбуот тарқатувчи" МЧЖ биносига борганимда, тиғиз, жуда ишчан ҳолатнинг устидан чиқдим. Туман халқ таълими бўлими билан "Матбуот тарқатувчи" ўртасида тезкор алоқа ўрнатилиб, обуна варақаларини зудлик билан (чунки охирги кун, бунинг устига мухбирлар суриштирувни қўйишмаяпти) тўлдириш бошланган, йўқ пулга кафолат хати тайёрлаб, ёлғон аралашган обунани ташкил этиш, айбни бекитиш, газета танқидини хаспўшлаш учун астойдил уринаётган эдилар.

Шу куни (20 декабр) Шофирконга обуна тақдири билан қизиқиб келган ҳар бир мухбирга шубҳасиз улуш тегар эди. "Инсон ва қонун" мухбири — каминага ҳам туман халқ таълими бўлими катта мурувват кўрсатиб, 6 дона обуна бўлишганини маълум қилди.

- Нега кеча эмас, аввалги кун эмас, айнан бугун? - деб сўрайман "Матбуот тарқатувчи" бошлиғи Л.Қиличевдан. У билмайман, дегандай елка қисади. Мен уни ортиқча саволга тутмайман. Чунки обуна учун ажратилган пулнинг ҳисоб-китоби тез кунда маълум бўлишига ишонаман... Л.Қиличевнинг айтишича, обуна учун бюджетдан ажратилган маблағнинг асосий қисми туман ХТБ ва туман марказий касалхонасига берилган. Марказий касалхонанинг эса қайси нашрларга, қачон ва қанча обуна бўлганлиги ҳақидаги маълумот бошлиққа етказилмаган экан...

Оғриқли саволларга жавоб топгим келади. Давлатнинг бир тийин пули ҳисоб-китобли бўлган бозор шароитида 1,5 миллион сўм, балки шофирконлик раҳбарлар учун арзимасдир. Лекин бир пайтлар машҳур файласуф, академик Иброҳим Мўминов, Халқ артисти Раззоқ Ҳамроев, машҳур ёзувчи Садриддин Айний, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол ва юзлаб фан доктори, фан номзодлари, пахта усталари юрти ҳисобланмиш Шофиркондек гўшада ўз ҳуқуқ ва бурчларини, қонунларни тўкис англашга хизмат қиладиган "Инсон ва қонун"дек газета борлигини билишмагани қизиқ-да, бироз шубҳали ҳам.

- Агар номимни ёзмасангиз, ҳақ гапни айтай, - дейди чўчиброқ турган ўқитувчи. "Инсон ва қонун" газетасини Шофирконда билишмайди эмас, яхши билишади, шу кунгача вилоят адлия бошқармаси фермер ёки тадбиркорнинг қонуний манфаатини кўзлаб, бирорта раҳбарни судга берганини эшитмаган эдик. Газета орқали тикланган адолатнинг таъсири кучли бўлади. Биз "Инсон ва қонун"ни, ҳатто, киоскалардан ҳам топиб ўқиёлмаймиз. Сабаби битта: газета ҳақ томонида, газетхон томонида турибди...

Битта бўлса-да, бундай эътирофли фикрни эшитиш, албатта мухбир учун шараф. Аммо эртани ўйламаган, эркин фикрлашдан йироқ раҳбарларни деб халқ ҳуқуқий билимлардан орқада қолиши, қонунларимиздан йироқлашиши мумкинми? Вилоят ҳокимлигининг газетасида Шофирконда 60 та кутубхона борлиги айтилади, нахотки, шулардан атиги биттаси "Инсон ва қонун" газетасига обуна бўлиши мумкин эмас?

Яна нима дейиш мумкин, Шофирконнинг обуна борасидаги юқоридаги "тажриба"сини ёйиш учун яна нималарга эътибор берсам, кимларга учрашсам экан?

Агар туманда журъатлироқ бирор киши топилганида, эй биродарлар, бюджетнинг пули ўйинчоқ бўлдими Сизларга, Шофирконнинг маънавияти, машҳурлиги фақат пахтага боғлиқми (дарвоқе, туманда пахта сотиш шартномавий режа қаторасига 5 йилдан буён бажарилмайди, бунинг масъулиятини ҳеч ким бўйнига олмайди...) Шундай шароитда туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари тушган вазиятни англаш қийин эмас.

- Кимдир "Инсон ва қонун"ни рўйхатга киритмаган бўлса, мен айбдорми? - дейди туман ҳокимининг ўринбосари К.Бобомуродов. - Яхшиси, сизлар мақтовга эўр беринглар, танқид қочиб кетмас, - мунозарали суҳбатимиз шу зайлда давом этади, ҳоким ўринбосари ҳақлигини шу зайлда исботламоқчи бўлади.

Начора, танқид қочиб кетмас деганидек, мақтов ҳам қочиб кетмас, Тошкентга омон-эсон етиб борсам, буни таҳририятдагиларга тушунтираман, деб кўнгилга тугиб қўйдим.

Шундай қилиб мен Шофиркондан қуруқ қўл билан эмас, 6 дона (бу ҳам насия) "Инсон ва қонун" газетасига обуна тўплаб қайтдим.

Ражаббой РАУПОВ,
"Инсон ва қонун"нинг
махсус мухбири

Сурхонозиқовқат ҳиссадорлик жамияти

2001 йил - Оналар ва болалар йили

Ўзбекистон халқини Янги йил - Янги аср - Янги минг йиллик билан муборакбод этади.

Янги асрда элимизнинг шон— шуҳрати янада зиёда, эртамиз янада порлоқ бўлажак.



Янги йил ҳар бир оила учун шодлик, муҳаббат ва қут-барака келтирсин!



Янги йилингиз билан, азиз дўстлар!

Довон ошганлар

ФАЙЗЛИ УМР

Бу инсонни Адлия вазирлиги идораларида вилоятлар қонунни муҳофаза этувчи ва ҳуқуқ даргоҳларида, турли анжуману тадбирларда, қонунларни мужассамлаш ва таҳлил қилиш давраларида тез-тез учратасиз. Ўрта жуссали, серҳаракат, дадил ва айни пайтда мулоҳазали. Ҳақиқий шарқлик ўзбек ўғлони. Уни дарҳол танишади "Мирфайзи ака" деб, ҳурмат бажо келтиришади. Ишонмайсизу, аммо...

Мирфайзи Мирсамадов 60 ёшга тўлибди. 1940 йилнинг қиши. 17 декабр тонгида тошкентлик оддий ишчи хонадонидаги "ўғиллик бўлдик" деган хурсандчиликнинг олтмишинчи довони асримиз сўнггида сизу бизга татибди-я!

У ёшлигидан меҳнатда тобланди. Давр тоши юкли йиллар эди. Оиладаги моддий қийинчилик, замона зайли... Ёш Мирфайзи тинимсиз ишлади. Отага қувват бўлиш учун елкасини нималарга тутиб беришга мажбур бўлмади, қайси даргоҳда тер тўкмади, дейсиз. Аммо изланди, ўқиди, тинмай маърифат қидирди. 1958 йилда мактабни тугатгач, яна ишлади, ўқиди. 1962-65 йилларда аскарлик бурчини ҳам уддалаб қайтди.

М.Мирсамадов ўз меҳнат фаолиятини 1966 йилда Тошкент шаҳар газ аппаратларини таъмирлаш бўйича уста бўлиб ишлашдан бошлади ва шу йили олий таълим даргоҳига оёқ босди. 1972 йилда ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини имтиёзли диплом билан тугатгач, дастлабки ҳуқуқий қадамини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Қонунчилик бош бошқармасига катта маслаҳатчилик лавозимидан бошлади. У ўзининг меҳнатсеварлиги, ҳуқуқшунослик бўйича чуқур билимга эга эканлигини ва топширилган ишга сидқидилдан ёндошиши билан ажралиб турарди. Шу боис тез орада етакчи маслаҳатчи лавозимига тайинланди. Яна кўп ўтмай унинг ҳаракатчан ва ташаббускорлиги ходимлар билан ишлаш қобилияти ва зийраклигига яна бир бор ишонч ҳосил қилингач эса вазирликнинг норматив (меъёрий) актлар бўлими сектор мудири лавозимини эгаллади. Мирсамадов оқибатли инсон. Уни устоз кўрганлардан дейишлари бежиз эмас. Чунки Мирфайзи ака мамлакатимизнинг таниқли юристларидан бири Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, адлия вазири даражасига эришган, профессор (марҳума) Мамлакат Собировна Восиқовадан сабоқ олганлардан. У бу инсонни эъзоз билан эслаб юради. Яна бир устози сифатида Республикада хизмат кўрсатган юрист Раъно Юнусовна Каримовани фахр билан тан олади. Таъкидлаш жоизки, Мирфайзи ака тўплаган ҳуқуқий ҳужжатлар чоп этилган 24 та китобда бошқа масъуллар қаторида ана шу устозларининг номлари ҳам қайд этилган. Шунингдек, Мирфайзи ака Ўзбекистон Республикасининг 8 жилдли қонунлар тўпламини чиқаришда масъулият билан бевосита иштирок этди. Республикамизда қабул қилинган қонун мажмуалари — кодексларида унинг қўли, меҳнатининг изи бор.

Таъкидлаш жоизки, Мирфайзи Мирсамадовни адлия соҳаси идоралари ходимлари ўзи юрар энциклопедия дейишади. Бунда албатта жон бор. Чунки маслаҳат билан мурожаат қилган ҳар бир ходим у кишидан доимо малакали фикр ва йўриқ олиб келган. У вазирликнинг вилоят бошқармалари, бўлимлари, нотариал идоралари, ФҲДЁ ҳамда судларида ҳаракатдаги қонунчиликдан амалиётда фойдаланиши ва кундалик ишда қўлланиши тартибини назорат қилиб бориш билан бирга, доимий амалий ёрдамини аямайди. Уни меҳнатсевар жонсараклиги билан бирга талабчанлик ва қатъиятлилик фазилатларини ҳам тан олишади, тез-тез бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатишади.

Мирфайзи ака фаол жамоатчилиги билан ҳам танилган. Бир неча марта Адлия вазирлиги касаба уюшмалари раислигига сайланган. Ҳозир ҳам мазкур уюшма бошқаруви сафида фаолият кўрсатмоқда. Хуллас, бу инсон ҳақида яна кўп илиқ сўзлар айтавериш мумкин. Бунга унинг кўкрагини безаб турган ҳукумат мукофотлари ҳам гувоҳ: "Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун" медали Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ёрлиғи, Меҳнат фахрийси унвони ҳамда 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 4 йиллиги муносабати билан "Шуҳрат" медали соҳиби бўлган эди. Бугун эса у Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист" унвонига ҳам эга бўлди. У Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8 йиллиги тантаналари арафасида Мирфайзи акага топширилди.

М.Мирсамадов ҳақида ҳамкасблари, дўстлари, камтарин, тўғри сўз, дўстларга ғамхўр, фарзанд ва оила аъзоларига меҳрибон шахс сифатини бериб, тўлиб-тошиб сўзлашади. Қаҳрамонимиз ҳаётда кўп нарса топди. Улар орасида эъзозлаб ўстирилган 5 нафар фарзанд, 3 нафар набиранинг ўрни алоҳидадир.

Доимо чаққон ва чарчамас Мирфайзи аканинг ишхонасида, хонадонида, теварак-атрофида шу кунларда яна бир илиқ муҳит ҳукмрон. Бу унинг 20-аср якуни ва янги аср бўсағасида ҳаётининг муборак ёши — 60 йиллиги довонини забт этганлигидир.

Соғ бўлинг, таваллуд кунингиз қайнатган қозонингизда пишган таомлар, "паловхонтўра"лар барча ташриф буюрганларга яхши ҳазм, яхши тилаклар эса ижобат топсин, деймиз.

Файзулла ҚИЛИЧЕВ

Рангин болаликка алвидо айта,
Югурик Вақт бир-ла елиб кетяпман.
Англадим: умр - сув, оқмагай ортга,
Болалик қадрига энди етяпман.

Танқиддан сўнг...

ПОЧТА-АЛОҚА МАСЪУЛЛАРИ ЖАЗОЛАНДИ

"Инсон ва қонун" газетасининг 2000 йил 14 ноябрдаги 46-сонида чоп этилган "Ҳаққи-ку ошди, хизмат кўрсатиш-чи?" сарлавҳали мақола мутасадди ходимлар иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилиб, Термиз-Бойсун йўналиши бўйича почта алмашинувини амалга оширишда айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Юқорида қайд этилган камчиликларга йўл қўйганлиги ва ушбу масалада назоратни сусайтирганлиги учун Термиз шаҳар почта алоқа филиали директорининг ўринбосари Т.Худойқуловга ва Бойсун почта-алоқа филиали директорининг ўринбосари П.Бозоровларга 2000 йил 12 декабрда 45-сонли буйруқ билан ҳайфсан эълон қилинди.

Вақтли матбуот нашрлари, хат-хабарларни эгаларига ўз вақтида етказиш борасида мутасадди ходимларга тегишли кўрсатмалар берилди.

А.ТЎРАҚУЛОВ,
"Сурхондарё почтаси" акциядорлик жамияти директори

Байрам хандалари

Ўқитувчи: - Қани ким айтади — олтинни очиқ ҳавода қолдирсак нима бўлади?
Ўқувчи: - Ўғирлаб кетишади.

***

- Дада, одамнинг юзини яхши эслаб қоласизми?
- Ҳа, яхши эслаб қоламан.
- Жуда яхши экан-да! Мен соқол олишда қарайдиган кўзгуни синдириб қўйдим.

***

Мактаб раҳбари бир ўқувчини чақириб, топшириқ берибди:
- Тўртинчи қаватдаги деразаларни бўяб кўй.
Уч соатдан кейин бола раҳбардан сўрабди:
- Ромларни ҳам бўяйми?

***

Отаси ўғлидан сўради:
- Нега тишингни кетма-кет етти марта ювяпсан?
- Бир ҳафтага етсин деб...

Қизча кўчадаги машиналарга анча тикилиб тургач, сўради:
- Автомобиллар катта бўлганда нима бўлади? Автобус бўлишадими?

***

- Ўқувчи, XIX аср кимёгарлари ҳақида нима биласан?
- Уларнинг ҳаммаси аллақачон ўлиб кетган.

***

Ўқитувчи ўқувчиларга футбол бўйича иншо ёзиб келишни буюрди. Бола нима деб ёзишни билмади. У ёзди: "Қаттиқ ёмғир ёғяпти. Майдон сирғанчиқ. Ўйин қолдирилди".

Азиз муштарий! Қўлингиздаги ушбу газета «Инсон ва қонун»нинг 2000 йил — XX аср — иккинчи минг йилликда чоп этилган сўнгги сонидир. Умид қиламизки,

Янги — 2001 йилда ҳам сиз муҳтарам ўқувчилар билан ҳамкорлигимиз давом этади. Янги асрда учрашгунча, хайр муштарий, салом муштарий!

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Гайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Шуҳрат РУЗИНАЗАРОВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН»газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-945 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: С.ҚИЛИЧЕВА
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: М.БЕРЕЗИКОВ
Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси 13
Тел: 133-24-44, 132-14-18
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.